
Ўзбекистон Республикасининг Географик жойлашуви

Географик жойлашуви

Ўзбекистон Марказий Осиёда жойлашган бўлиб, минтақадаги бошқа давлатлар орасида жуда қулай табиий-географик шароитларга эга. Мамлакат ҳудуди ўзига хос паст-тектислик ва тоғ рельефини ўз ичига олади.

Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмини (4/5 қисми атрофида) пасттектисликлар ташкил этади. Шулардан энг муҳими Турон паст-тектислигидир. Мамлакат шарқи ва шимолий шарқида Тянь-Шань ва Помир тоғ (мамлакатнинг энг юқори нуқтаси (4643м) тизмалари жойлашган. Ўзбекистон ҳудуди марказида дунёнинг бепоён чўлларидан бири — Қизилқум ястаниб ётади.

Республика ҳудудининг 1/5 қисмини тоғ ва тоғ олди ҳудудлар ташкил этади. Шарқий ҳудуди ўрта ва баланд тоғли рельефдан иборат. Мамлакат ҳудуди Фарбий Тянь-Шань (Угом, Пскем, Чотқол ва Қурама тоғ тизмаси) ва Помир-Олой (Зарафшон, Туркистон, Ҳисор, Қўҳитангтоғ ва Бойсунтоғ тоғ тизмаси) тоғ тизмалари ёнбағрини ўз ичига олади. Жанубдан ғарбга томон улар қиялаб боради ва паст-тектисликка қўшилиб кетади. Ушбу тоғлар орасида улкан Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон ва Самарқанд воҳалари ястаниб ётади. Буларнинг энг каттаси ҳисобланган Фарғона водийси -узунлиги 370 километр, кенглиги 190 километрга етади. У уч томондан баланд тоғ билан ўралган ва фақат ғарб томони тектисликдир. Афғонистон билан чегара ҳудудда Амударё дельтаси ёйилиб ётади.

2017-09-29 16:21:03